



АҲОЛИ ЎРТАСИДА ГИЁХВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИНИ ИСТЕЪМОЛИНИНГ БАРВАҚТ ПРОФИЛАКТИКАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ МУАММОЛАР ВА АМАЛИЙ ЕЧИМЛАР

Тиллаходжаев Баҳодир Абдуллаханович
Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси
Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедраси
катта ўқитувчиси, подполковник
Очилов Жамшид Хуршид ўғли
Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси курсанти
<https://doi.org/10.5281/zenodo.15031312>

ARTICLE INFO

Received: 27th February 2025
Accepted: 28th February 2025
Published: 15th March 2025

KEYWORDS

гиёҳвандлик воситалари,
маҳалла, профилактика,
фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш
органлари, “маҳалла еттилиги”,
жамоат бирлашмалари,
волонтёрлар.

ABSTRACT

Мақолада аҳоли ўртасида
гиёҳвандлик воситаларни истеъмоли
барвақт профилактикасининг бугунги
ҳолати таҳлил қилиниб, ҳуқуқни муҳофаза
қилувчи органларнинг фуқароларнинг ўзини
ўзи бошқариш органлари (маҳалла) билан
яқиндан ҳамкорлик қилаётган
фаолиятидаги мавжуд муаммолар
ўрганилган. Аниқланган муаммолардан келиб
чиқиб, Ўзбекистон Республикаси
фуқароларининг ўзини ўзи бошқариш
органлари тизимида фаолият юритувчи
волонтёрлар, “маҳалла еттилиги” ва бошқа
жамоат ташкилотлари билан биргаликда
уларни ёшлар ўртасида барвақт
профилактикасини ўз вақтида ҳал этиш
бўйича асосий тақлиф ва тавсиялар ишлаб
чиқилди.

Бугун инсоният тараққиётнинг янги-янги чўққиларини забт этмоқда. Лекин кейинги асрларда бутун кўраи заминга кенг тарқалган бир иллат бугунги кунда ҳаммамизни ташвишга солиб, оғир жиноятларнинг содир этилишига, оилалар ва миллат генофондининг бузилишига олиб келмоқда. Бу — гиёҳвандликдир.

Мамлакатимизда аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларнинг гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларга нисбатан қарши иммунитетни шакллантириш, шунингдек, инсон саломатлигини таъминлашга қаратилган муайян ишлар амалга оширилмоқда. Аммо сўнгги йилларда янги турдаги синтетик гиёҳвандлик воситалари ва кучли таъсир қилувчи моддалар пайдо бўлаётгани, улар инсон омилсиз интернетнинг ижтимоий тармоқларидан фойдаланган ҳолда аҳоли, айниқса, ёшлар орасида осон тарқатилаётгани масъул давлат тузилмаларининг бу борадаги фаолиятини “Барча саъй-ҳаракатлар инсон қадрини учун” деган устувор ғоя асосида сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш зарурлигини тақозо этмоқда. Айтиш керакки, Президентимизнинг 2025 йил 7 майдаги “Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмасига чек қўйиш орқали уларнинг аҳоли саломатлиги ва мамлакатимиз генофондига салбий

таъсирини бартараф этиш стратегик чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-73 сонли Фармони бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлди.

Илғор хорижий тажриба, халқаро, шу жумладан БМТ экспертларининг хулоса ва тавсиялари асосида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик ва наркотиноятларга қарши курашиш бўйича 2024 — 2028-йилларга мўлжалланган миллий стратегия тасдиқланди. Миллий стратегия доирасида аҳоли, айниқса, хотин-қизлар ва ёшларда “гиёҳвандликка қарши иммунитет”ни, ўқувчи ва талабалар орасида кучли таъсир қилувчи дориларни истеъмол қилишга мурасасиз муносабатни шакллантириш, таълим муассасаларида психофаол моддалар тарқалишининг олдини олишга қаратилган янги таъсирчан тарғибот-ташвиқот ва тарбиявий-профилактик механизмларни жорий этиш мақсадларга эришиш барча давлат органлари ва ташкилотларнинг устувор вазифаси сифатида белгиланди. Давлат ва хусусий тиббиёт муассасалари ҳамда дорихоналарнинг гиёҳвандлик воситаларидан тиббиётда фойдаланиш амалиётини назорат қилиш, шунингдек, фарматсевтика корхоналари, гиёҳвандлик воситаларининг улгуржи ва чакана савдоси билан шуғулланувчи субъектлар масъулиятини оширишнинг таъсирчан механизмларини яратиш ҳам уларнинг устувор вазифаларига киради.

Афсуски, ҳозирги кунда ёшлар орасида таркибида гиёҳвандлик воситалари бўлган (“Трамадол”, “Налбуфин”, ва ҳ.к.) психофаол (“Лирика”, “Регален”, “Галара” ва ҳ.к.) дори воситаларини истеъмол қилиш ҳолатларининг учраб туриши ҳамда, ёшларимизнинг рухан ва жисмонан соғлом бўлиб етишишлари, замонавий билим ва касбга эга бўлишлари учун барча шарт-шароитлар яратилиб берилган бўлишига қарамай наркотик моддалар билан боғлиқ жиноятларни содир қилишлари ва гиёҳвандлик йўлига кириб кетаётганлиги ачинарли ҳолдир.

Маълумки, бугунги кунда вояга етмаганларни жалб қилган ҳолда ҳамда телекоммуникация тармоқларидан ва Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиш орқали гиёҳвандлик воситаларининг, улар аналогларининг ва психотроп моддаларнинг қонунга хилоф муомаласи ортиб бораётганлиги муносабати билан ушбу ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик чораларини қайта кўриб чиқиш талаб этилаётган эди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан яқинда қабул қилинган ва кун кеча Сенатда маъқулланган тегишли қонун билан гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни телекоммуникация тармоқлари ва Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб қонунга хилоф равишда муомалага киритганлик, ушбу жиноятларни вояга етмаганларни жалб қилган ҳолда содир этганлик учун жавобгарлик чоралари кучайтирилмоқда. Шунингдек, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар, кучли таъсир қилувчи ва захарли моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланди. Шубҳасиз, ушбу қонун гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, кучли таъсир қилувчи ва захарли моддаларни тарғиб ёки реклама қилиниши ёхуд ноқонуний муомаласининг барвақт олдини олишга хизмат қилади.

Албатта, юртимизда ушбу масалага бу даражада катта эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Чунки гиёҳвандлик нафақат бу иллат билан шуғулланувчиларга, балки бутун жамиятга таҳдид солади. Шунинг учун ҳам ҳар йили 26 июнь — Халқаро гиёҳвандликка қарши курашиш кун, деб эълон қилинган. Ушбу сана муносабати билан республикамизда доимий равишда турли тадбирлар ўтказилиб борилмоқда. Жумладан, олий ўқув юртларида, лицей ва коллеж, мактаб ва бошқа ўқув муассасаларида барча соҳа вакиллари ҳамкорлигида тадбирлар ўтказилиб, ёшлар ўртасида тушунтириш ишлари мунтазам равишда олиб борилмоқда. Шунингдек, маҳаллаларда, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларида, барча меҳнат жамоаларида гиёҳвандликнинг инсон соғлиғига зарари ва унинг аянчли оқибатлари ҳақида

маънавий-маърифий тарғибот ишлари йўлга қўйилган. БМТ маълумотида кўра, дунёда 27 миллиондан ортиқ одам гиёҳвандлик дардига йўлиққан. Унинг аксарият қисмини 30 ёшгача бўлганлар ташкил этади. Бунинг оқибатида ҳар йили 200 мингдан ортиқ киши ҳаётдан кўз юмаётгани таассуфлидир. Кейинги пайтларда гиёҳванд ва психотроп моддаларнинг инсон саломатлигига зиёни ҳақида кўп гапирилаётганига қарамай, афсуски, ёшлар орасида бу зарарли моддаларга қизиқиш сақланиб, эртамик эгаларининг бу иллат домига билиб-билмай тушиб қолаётгани ачинарли ҳолдир.

Юқорида кўрсатилган муаммоларни ҳал қилиш мақсадида гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилишга берилиб қолган ёшларни аниқлаш ва улар ҳақида давлат органларини хабардор қилиш борасида маҳалла тегишли ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, маҳаллаларда гиёҳвандлик касалликларга чалинган шахсларни аниқлаш ва улар ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини хабардор қилиш фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги “Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўғин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-209-сон Фармони асосида ташкил этилган “*маҳалла еттилиги*” тизими доирасида амалга оширилмоқда.

“Маҳалла еттилиги”ни ташкил этувчи маҳалла раиси, профилактика инспектори, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, ижтимоий ходим ва солиқ инспекторининг “ижтимоий профилактика” фаолияти Ички ишлар вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг 2023 йил 30 мартдаги “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойили асосида республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш механизмларини белгилаш тўғрисида”ги 10/3/05ҚҚ-сон қарори билан тартибга солинган.

Мазкур тизим асосида 2023 йил давомида “маҳалла еттилиги” аъзолари томонидан наркологик касалликларга чалинган 9 133 нафар ёшлар ва 7 647 нафар хотин-қизлар аниқланиб, “ижтимоий профилактика” объекти сифатида ҳисобга олинган.

Бироқ, “маҳалла еттилиги” аъзолари психоактив моддаларига қарамликни барвақт аниқлаш бўйича зарурий билим ва кўникмаларга эга бўлмаганликлари сабабли улар томонидан мазкур тоифадаги шахсларнинг айримлари аниқланмасдан қолиб, уларга нисбатан ўз вақтида тиббий-ижтимоий реабилитация чоралари кўрилмасдан қолмоқда. Давлатнинг назорат функциясини давлат органлари бажаради. Ўз навбатида ички ишлар органларининг назорат-лицензия фаолиятини назоратини амалга оширувчи орган ҳисобланади. Ички ишлар органларининг ушбу назорат тури жамият осойишталиги ва тинчлиги, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш, шунингдек ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг олдини олишга қаратилган фаолиятдир. Ички ишлар органлари томонидан амалга ошириладиган маъмурий назоратни икки тури мавжуд, биринчи тури бу умумий назорат деб номланади ва иккинчи тури бу алоҳида тоифадаги шахсларнинг устидан ўрнатиладиган махсус маъмурий назоратдир. Назорат-лицензия фаолиятини умумий назорат деб тушунишимиз мумкин.

Шу ўринда “маҳалла еттилиги” таркибига кирувчи профилактика (катта) инспекторлари ҳам аҳоли ўртасида гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласини назорат қилиб боришини таъкидлаб ўтиш жоиз деб топдик. Бу борада тадқиқотчи З.А. Адхамов ўз изланишларида профилактика (катта) инспекторининг назорат-лицензия қоидаларига риоя этилишини таъминлаш фаолиятини – жисмоний ва юридик шахсларнинг махсус (рухсат) лицензия олиш, узайтириш, қайта расмийлаштириш, қайта рўйхатга олишини назорат қилишда кўмаклашиш, шунингдек, улар томонидан лицензиялаш фаолияти қоидаларига риоя этишни назоратини амалга ошириш, лицензиатлар томонидан лицензиялаш шартлари ва талабларини бузиш ҳолатларини аниқлаш, олдини олиш, уларга чек қўйиш ва қоидабузарликда айбдор

бўлганларни юридик жавобгарликка тортишдан иборат бўлган фаолияти деб тушунишимиз мумкин¹ деб таъкидлаб ўтганлиги эътироф этишимиз керак.

Гиёҳвандликни истеъмол қилиш ҳолатларининг барвақт олдини олишда давлат органларининг жамоатчилик (волонтёр) билан ҳамкорлик катта аҳамиятга эга. Республикада волонтёрлик фаолияти Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 декабрдаги “Волонтёрлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуни билан тартибга солинган бўлиб, Ёшлар ишлари агентлиги волонтёрлик фаолияти соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи этиб белгиланган. Бугунги кунга қадар жами 102 минг ёшларни қамраб олган 145 та доимий фаолият юритувчи волонтёрлик гуруҳлари ташкил этилган.

Волонтёрлар асосан тегишли лойиҳалари ва дастурлар асосида фаолият юритиб, уларнинг давлат ҳокимияти органлари, республика ижро этувчи ҳокимият органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа ташкилотлар томонидан жалб этилиши волонтёрлик шартнома тузиш орқали амалга оширилади. Волонтёрлар платформаси (volontyor.uz)га кўра, бугунги кунда 3 894 нафар волонтёрладан иборат бўлган 37 та волонтёрлик ташкилотлари 15 та волонтёрлик лойиҳаларга жалб этилган. Шунингдек, 2023 йилда Ёшлар ишлари агентлиги томонидан волонтёрлик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш бўйича эълон қилинган танловга экология, таълим, тиббиёт, медиа, туризм йўналишлари бўйича келиб тушган 218 та лойиҳалар экспертлар томонидан сараланиб ғолиб деб топилган 70 та лойиҳа 2024 йилдан молиялаштирилиши белгиланган.

Шунингдек, ҳудудлардаги Ёшлар марказларида ташкил этилган “волонтёрлик мактаб”ларининг ўқув жараёнлари ҳамда ишлаб чиқилган “Волонтёрлик қўлланмаси” билан волонтёрлар фаолиятини гиёҳвандликнинг олдини олишга йўналтириш масалалари назарда тутилмаганлиги ушбу йўналишда улардан самарали фойдаланиш имконини чекламоқда.

Хулоса сифатида маҳаллаларда гиёҳвандлик воситаларининг истеъмоли профилактикасини амалга ошириш билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш учун кўйидаги амалий тадбирларни қўллаш мақсадга мувофиқ.

Биринчидан, маҳаллалар ва уларнинг ҳудудидаги таълим муассасасаларида аҳолининг оммавий спорт билан шуғулланиши учун зарурий инфратузилмани босқичма-босқич ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш.

Иккинчидан, барча турдаги давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида мавжуд штат бирликлари доирасида жамоатчилик асосида “спорт тарғиботчиси” фаолиятини йўлга қўйиш ва уларни рағбатлантириш механизмларини жорий этиш.

Учинчидан, маҳалла ва таълим муассасаларда аҳолининг жисмоний тайёргарлиги ва саломатлиги даражасини давлат талаблари асосида белгиловчи “Жисмоний тайёргарлик” синовларини ташкил этиш ва ғолиб бўлганларни рағбатлантириш борасида ёшларга таълим муассасаларга ўқишга кириш учун имтиёзлар бериш, ўқувчи ва талабаларга бир ойлик стипендия миқдорини тўлаш, маҳалла аҳолига “Жисмоний тарбия ва спорт аълочиси” кўкрак нишони, “Соғлом авлод учун”, “Соғлом турмуш” каби медаль ва орден билан тақдирлаш амалиётини йўлга қўйиш.

Тўртинчидан, “Соғлом турмуш тарзи” (1hls.uz) платформасини қайта ишга тушириш ва аҳоли ўртасида унга уланиш бўйича кенг қамровли ахборот компаниясини ташкил этиш.

¹ Адхамов З. Профилактика инспекторларининг назорат-лицензия қоидаларига риоя этилишини таъминлаш фаолиятининг ҳуқуқий асослари // CENTRAL ASIAN JOURNAL OF MULTIDISCIPLINARY RESEARCH AND MANAGEMENT STUDIES. Volume 2, Issue 2, part 2, February 2025. Page 165-171.

Бешинчидан, Қишлоқ шароитларида ёшларга оммавий спорт билан шуғулланиш учун муносиб шароитларни яратиш мақсадида давлат-хусусий шериклик асосида оилавий нодавлат спорт таълими муассасалари фаолиятини йўлга қўйиш, бу борада ҳудудий ёшлар сиёсати ва спорт бўлинмалари билан битим тузиш, уларга 3 йилдан кам бўлмаган муддатга бепул фойдаланиш учун спорт жиҳозлари тақдим этиш, янги спорт анжомларини харид қилиш учун имтиёзли кредитлар ажратиш механизмларни белгилаш.

Олтинчидан, аҳоли орасида гиёҳвандлик воситаларига қарши иммунитетни шакллантиришда оммавий ахборот воситалари ва интернет тармоқлари имкониятларидан кенг фойдаланиш бўйича “Медиа концепция”ни ишлаб чиқиш.

Юқоридагиларга хулоса қилган ҳолда шуни таъкидлаш жоизки, маҳаллаларда гиёҳвандлик воситаларининг истеъмоли профилактикасини амалга ошириш билан боғлиқ муаммолар ва уларни бартараф этиш жараёнда давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва нодавлат, нотижорат ташкилотлари, жумладан “махалла еттилиги”, волонтерлар ўзаро ҳамкорлик қилишлари керак.

Барчамизга аёнки, Ўзбекистон Республикаси узоқ йиллардан буён гиёҳвандлик моддаларининг мамлакат маданий ва маънавий ҳаётига салбий таъсири кучайишини инобатга олиб, унга қарши курашни миллий хавфсизликнинг таркибий қисми сифатида баҳолаб, ушбу иллатига қарши кураш бўйича маҳаллаларда гиёҳвандлик воситаларининг истеъмоли профилактикасини амалга ошириш механизмини такомиллаштириш борасида фаол ҳаракатлар олиб бормоқда.

Фойдаланган адабиётлар:

1. Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш жиноятларини тергов қилиш амалиёти: Ўқув-методик қўлланма / Ш.Т. Икрамов, Б.Э.Закиров, А.Т.Жонтўраев, У.М.Носиров ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. – 78 б.
2. Палванов М.Б. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш жиноятларининг криминологик тавсифи ва профилактикаси // Криминология. Махсус қисм: Дарслик / Муаллифлар жамоаси. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – Б. 523.
3. Барановский Н. А. Актуальные проблемы предупреждения и противодействия наркомании среди молодежи / Николай Барановский // Юстиция Беларуси. – 2016. – № 11. – С. 52–55.
4. Зинкевич Е. Р. Особенности и профилактика подростковой наркомании / Е. Р. Зинкевич // Биология в школе. – 2011. – № 5. – С. 11–16.
5. Любавина М. А. Уголовно-правовое противодействие наркотизму: закон, теория, практика: монография / М. А. Любавина. - Москва : Юрлитинформ, 2021. - 751, [1] с.
6. Матчанов А.А. Раскрытие и расследование незаконного оборота наркотических средств и психотропных веществ. Монография – Т. Академия МВД Республики Узбекистан, 2007. – 197 с.; Матчанов А.А. Значение противодействия и профилактики наркомании среди молодежи. Газета. Akademiya Yoshlari, №2 (47) 15 февралля 2022 года; Матчанов А.А. ва бошқ. Инъекцияли наркотикларни истеъмол қилувчилар орасида ОИВ инфекцияси зарарини камайтириш ва профилактика масалалари юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларини ўқитиш бўйича ўқув қўлланма (практикум) – Т., 2019 й. – 130 б.; Матчанов А.А. Гиёҳвандликни олдини олиш бўйича профилактика инспекторлари учун амалий қўлланма. – Т., 2013. – 35 б.
7. Утениязов М.К. Вояга етмаганлар гиёҳвандлигининг олдини олиш муаммолари. Юрид. фан. номз. дис. ... – Т., 2004. – Б. 53-90.

8. Ўразалиев М.Қ. Алкоголизм, фоҳишалик ва гиёҳвандликнинг жиноятчилик билан алоқадорлиги, уларнинг криминологик хусусиятлари ва олдини олишни такомиллаштириш: Докторлик диссертацияси автореферати. – Т., 2016. – Б. 18, 23.
9. Кустов А.М., Иванов П.И., Дульцев М.В., Панасенко В.Н. Раскрытие и расследование незаконного оборота наркотических средств, психотропных веществ и их прекурсоров: монография. – М.: Академия управления МВД России, 2022. - 153 с.
10. Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандликка қарши курашиш борасида 2024-2028 йилларга мўлжалланган Миллий стратегиясини шакллантириш учун “Йўл харитаси” бўйича ИИБ Жамоат хавфсизлиги департаментидан олинган статистик маълумотлар.
11. Кушбаков Д.М. Ақли расолик ва норасолик тушунчалари ҳамда уларнинг мезонлари //Journal of Pedagogical and Psychological Studies. – 2023. – Т. 1. – №. 5. – С. 109-116.
12. Musurmankulovich K.D. Retrospective analysis of national and foreign legislation regulating the institution of the criminal subject //International Journal Of Law And Criminology. – 2023. – Т. 3. – №. 04. – С. 22-30.
13. Адхамов З. Профилактика инспекторларининг назорат-лицензия қоидаларига риоя этилишини таъминлаш фаолиятининг ҳуқуқий асослари // CENTRAL ASIAN JOURNAL OF MULTIDISCIPLINARY RESEARCH AND MANAGEMENT STUDIES. Volume 2, Issue 2, part 2 , February 2025. Page 165-171.



INNOVATIVE
ACADEMY